

Учинчи Реннонанс Бўсағасида Ўзбек Тилининг Тажрижий Тараққиёти Таҳлили

Дилшодбек Ҳақимов¹

Аннотация: Ушбу мақолада миллий тилда шаклланган янги атамалар; лисоний-нутқий бирликлар маъноларининг объектив шароитга кўра фаоллашиши ёки пассивлашиши; тил сиёсатида ҳукумат ва давлат раҳбарининг ўрни ва роли масалаларида узоқ ва яқин тарихга мурожаат қилиниши; бадиий ижод тили ва илмий тил ягона бир миллий тилга хизмат қилсагина ана шу миллий тил мукамалликка эришиши ҳамда абадийликка муҳирланиши мумкинлиги каби масалалар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: тил, сўз, она тили, лексика, нутқ, бирликлар, шўролар даври, эътиқод, изоҳ, луғат, фаол, лексик-семантик, илмий тил, адабий норма, сўз маънолари.

Тил – умумнинг, муайян тилда сўзлашувчи барча инсонларнинг, бутун бир миллатнинг мулки. Тилнинг софлиги ва тозалигини сақлаш ўта долзарб, ҳар сония ва ҳар лаҳзада эътибор талаб қиладиган масала бўлиши билан бир қаторда бу йўналишда асло сунъийликка, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Тилнинг тақдири бир-икки кишининг ёки қайсидир ижтимоий табақанинг манфаатлари босими остида бўлиши тил тараққиётига акс таъсир кўрсатиши тарихдан маълум.

Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан кейинги дастлабки йилларда “ура-урачилик” билан кўплаб керак-нокерак терминлар оммавий ахборот воситаларида қўллана бошлаган эди. Жумладан, Олий ўқув юрти тушунчасини ифодалаш учун – *олийгоҳ*, *илмгоҳ*; област термини ўрнига – *музофот*; район сўзи ўрнида – *ноҳия*; самолёт атамаси ўрнида – *тайёра*; аэропорт лафзи ўрнида – *тайёрагоҳ*; адабий-бадиий журнал деган нутқий бирлик ўрнига – *мажалла*, *жарида* тарзидаги сўзларни истеъмолга киритиш учун миллийлик ниқоби остида босим қилишга ҳам ҳаракатлар бўлди. Ҳолбуки, бу сўзларни жамият қабул қилмади. Аксинча, совет даври тарбиясида шаклланган кишиларга *отпуски* сўзи ўрнида *таътил* лафзининг қўлланиши дастлабки пайтларда эриш туюлди. Чунки ўша давр кишиларининг руҳиятда “*таътил*” деганда фақат мактаб ўқувчиларнинг дам олиш даври сифатидаги кўникма шаклланган эди. Шу маънода, улар “болалар таътилда бўлиши мумкин, катталар эмас”, дегандек истехзо қилишган ҳамда *музлатгич*, *музқаймоқ*, *чангютгич* кабиларни эса “сунъий, зўрма-зўраки сўзлар” деб баҳолашган эди. Бироқ шу ва шу каби ўнлаб-юзлаб сўзлар билан бир қаторда студент лафзи ўрнига – *талаба*; область атамаси ўрнида – *вилоят*; район сўзи ўрнида – *туман* тарзидаги бирликлар истеъмолга фаол кириб келди. Шунингдек, Республика – жумҳурият, Конституция – қомус, депутат – ноиб каби дублетлар параллел қўлланиладиган бўлди.

Шўролар даври сиёсатида кўра истеъмол доираси чекланган – *вазир*, *ҳоким*, *хусусий мулк*, *ширкат*, *бекат*, *жувоз*, *тегирмон*, *қурултой (съезд)*, *ҳакам (судья)*, *жамоа (команда)* каби сўзлар ҳамда дахрийлик асосига қурилган замонда асосан атеистик маънода талқин қилинган² *вақф*, *эхсон*, *амри маъруф*, *зиёратгоҳ*, *дарвеш*, *ҳадми қуръон*, *эътиқод эркинлиги*, *ҳаж сафари*, *умра зиёрати*, *ибодат*, *рўзадор*, *сахарлик*, *ифторлик*, *қироат* каби диний сўзлар давр ўтиши

¹ ЎзРесФА илмий ходим

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки жилдлик Москва 1981 й.



билан ўз маъносида адабий тилда қайта фаоллашиши ҳам тилнинг лексик таракқиётида ўзига хос муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Бундай сўзларнинг баъзилари ўтган асрда сўз маъноларига бағишланган манбаларда³ тўрғи талқин қилинган бўлса-да, уларни истеъмол доирасини чеклашга қаратилган “қизил ҳукуматнинг” найранглари асло тўхтамади. Масалан, 80-90 йилларида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларига ҳурмат маъносида талабаларнинг – **домла**, деб мурожаат қилишлари худосизлик сиёсатининг кулиминацияси ўлароқ тақиқланди. 2006-2008 йилларда чоп қилинган Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатининг биринчи нашри⁴ ҳамда 2020 йилдаги иккинчи нашрида⁵ юқоридаги сўзларнинг адабий нормадаги маънолари етарли даражада ўз ифодасини топганлиги тилимиз ўз таракқиёти йўлида дадил одимлаётганлигини англатади.

Турли тарихий даврларда яратилган луғатларда сўз маъноларининг берилиши таҳлили – тил ва нутқ бирликларининг семантик структурасида маъно кенгайиши ва торайиши; сўзнинг фаол маъноси пассивлашиб, пассив маъноси фаоллашишида объектив тарихий шароит муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлайди. Хусусан, пандемия шароитида – *кўнгилли, ниқоб, масофа, яккалаш, муносабат, масофавий, анъанавий, ташувчи* каби кўплаб лафзларидаги асосий маъно иккинчи планга тушиб, ушбу сўзларнинг айна вазият тақозо этаётган – *валантёр, маска, дистанция, контакт, изоляция, онлайн, офлайн, наситель* маънолари ўта фаоллашди. *Зиёрат* лисоний бирлик сифатида яқин ўтмишда – муқаддас масканларни тавоф қилиш маъносида, ҳозирда эса ана шу маънога қўшимча: ота-онани, яқинларни, кексаларни, табаррук инсонларни йўқлаш, сафарга бориш-қайтиш ва бошқа маъноларда қўллана бошлади. Жангу жадалнинг асосий терминларидан бири *стратегия* эндиликда *ҳаракатлар стратегияси* - таракқиётни тезликда (бой берилган имкониятларни компенсация қилган ҳолда), қисқа муддатларда жадал суръатларга, юқори ноталарга (ривожланган давлатлардаги даражага) олиб чиқиш масаласини камраб олган бирлик вазифасини бажара бошлади. Зеро, ҳаёт бешафқат у аста-секинликни кутиб турмайди. Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан бошланган камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳаркати натижасида тилда *темир дафтар, аёллар дафтари, ёшлар дафтари, маҳаллабай, хондонбай ишлаш* каби бирликларнинг қўлланиши изчиллашди. Автомобил ва техникага оид - *механизм* термини (*автомашина механизмлари...*) эндиликда жараённинг юзага келишидаги узвлар маъносини ифодаламоқда. Масалан, *жойларга ном қўйиш механизми*, яъни ана шу йўналишда муайян илмий изланишларнинг натижалари асосида юзага келган тизимнинг барча узвлари талаб даражасида тўғри, фаол ишлашини таъминиланиши⁶, бошқача айтганда: жойга қўйиладиган ном объектнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, мазмун-моҳияти, географик ҳолатига ҳамда миллий дунёқарашимизга мос тушиши кабилар ҳисобга олинган ҳолда танланиши ҳодисалари йиғиндиси ва унинг бир маъромда ишлаши деган маънолар мужассамини ифодалаш учун хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар асосида юзага келган: *халқ қабулхонаси, ягона дарча, давлат хизматлари агентлиги, йўл харитаси, қорилар (қуръон) мусобақаси, китобхонлар танлови, ижтимоий институтлар, оила институти, маҳалла институти, яширин иқтисодиёт, рақамли (иқтисодиёт, телевидения) хизмат, базавий ҳисоблаш миқдори* тарзидаги атамалар, асосан, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уларга қулайлик яратиш ва етарли даражада химоя қилиш, энг асосийси кишиларнинг маънавиятини юксалтириш йўлида қилинган амалий ишларнинг самараси ўлароқ шаклланган бирликлардир.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки жилдлик Москва 1981 й.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2006-2008 й.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли иккинчи нашри “O’zbekiston milliy enciklopediyasi” Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2020 й.

⁶ Тизим – воқеликнинг назарий қисми; механизм – амалиёт, яъни назариянинг узлуксиз равишда фаол ишлаши жараёни



Ҳозирда ёши эллиқдан юқори бўлган авлоднинг болалиқ ва ўсмирлик даврларида зангори экрандаги 90% дан кўпроқ кўрсатувлар; радиода эса 80% дан ортиқ эшиттиришлар русча бўлиб, ўзбекча кўрсатув ва эшиттиришларни қидириб, ўз даврида Республика раҳбарининг на минбарларда, на радио ва на телевидения орқали она тилида гапирганини эшитмасдан, эътиқодлар оёқости қилинган худосизлик замонида ҳам имонини, миллийлигини йўқотмасдан улғайган авлоднинг кўз ўнгида Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентининг нафақат ўз халқи, балки бутун дунё ҳамжамияти олдида Она тилида маъруза қилиши⁷ кўпни кўрган авлоднинг кўзларида қувонч ёшларини қалқитган ва уларнинг аксарияти: *Э - барака топинг! Ахир бўлар эканку!!*, деган бўлсалар не ажаб. Истиклолдан кейинги йилларда ижтимоий ҳаётда, хусусан, тил сиёсатида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнги икки-уч йилда тил сиёсати масаласида туб бурилиш даври бўлди. Шунга қарамасдан, асрлар давомида босим остида қолган ўзбек тилининг қадини тиклаши йўлида қилинадиган ишлар ҳали етарли. Зеро, ўзбек тилининг нуфузини ошириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туриши, Давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидланиши⁸ бежизга эмас, албатта.

Маълумки, Ал Фарғоний, Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Абунаср Фаробий, Аз Замаҳшарий, Бурхониддин Марғиноний, Ал Бухорий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби дунё тамаддуни бешигини яратган юзлаб, минглаб олиму-уламолар ўша даврнинг илм-фан тили бўлган араб тилида ижод қилганлар. Уларнинг бебаҳо кашфиётлари араб илмий дунёсининг мероси сифатида тарихга муҳирланган. Араб тилидан сўнг “эстафета”ни рус тили олди. Зарифа Саидносирова, Ҳабиб Абдуллаев, Ходи Зариф, Иброҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Аюп Ғулом, Саъди Срожиддинов, Восил Қобулов, Ҳамдам Усмонов, Суйима Ғаниева, Қодир Ғуломов сингари исмлар рўйхатининг ўзи ўнлаб китобларга сиғмайдиган улуғ сиймоларнинг ижодий мероси халқаро миқёсда рус илмий дунёсининг маҳсули сифатида эътироф этилади. Айни масалага - *Камалекдек ранго-ранг Бўлсин деб санъат, тиллар. Асрларча қилдик жанг, Армон қилдик минг йиллар.*⁹, деб шоирона муносабат билдирилган бўлса, кекса тилшунос олимлар тор даврадаги (ўзаро) суҳбатларда: - *...биз учун икки муқаддас тил мавжуд, буларнинг бири – араб тили; иккинчиси - рус тили. Бу тилларга тегиб бўлмайди. Ўзбек тилини эса истаганингча “калтаклашинг” мумкин*¹⁰, дер эдилар. Ҳозирги, бутун дунё глобаллашуви даври олимларимизга ўз тадқиқотларини инглиз тилида амалга ошириш заруратини кун тартибига чиқармоқда. Яъни нуруний тилшунослар сўзи билан айтганда: эндиликда инглиз тили бизда “учинчи муқаддас тил” бўлиб майдонга чиқа бошлади.

Шу ўринда, образли қилиб тилимизни – лочин, деб тасаввур қилсак, табиийки, унинг юксакларга парвоз қилиши учун кўш қаноти бўлиши шарт. Қанотларнинг бири - сўз санъаткорларининг айни тилдаги бадиий ижоди; иккинчи қанот эса – мана шу ўлканинг, ватаннинг фарзанди бўлган олимларнинг илмий тадқиқотлари, илмий асарлари тилидир. Масаланинг иккинчи жиҳати, яъни аждодларнинг илмий мероси – *академ тили* бизнинг эмас балки асрлар давомида ўзга тиллар тараққиётига ҳизмат қилгани маълум. Бу эса ўз навбатида, тилимиз асрлар оша бир қанот, яъни бадиий ижод қаноти билан парвоз қилишга интилгани англатади. Башарият учун ана шу муқаддас манбаларнинг тили уларнинг залвори ва салоҳиятига соя солмаса-да, ўз тили, буюк ўтмиши ва миллий ғурурига эга бўлган заҳматқаш халқнинг фарзанди ўлароқ аждодларнинг илмий мероси абадий ўзга тилларда жаранглашига, тилимиз минг йиллар ичра бир қанот, фақат бадиий ижод қаноти билан парвоз қилишга интилганига ачинаман ва *кечир мени она тилим, кечир мени*¹¹ дейман. Биз учун аламлиси шуки, бир қанотли тилга нисбатан кўш қанотли тилларнинг ватанидаги тараққиёт анчагина илгарлаб

⁷. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 75- сессияси 2020 йил 23 сентябрь; 76- сессияси 2021 йил 26 сентябрь

⁸. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нтқидан.

⁹. Воҳидов Э. Сайланма. Шеър дунёси, иккинчи жилд. Тошкент: “Шарқ” -2001 й., 46-б.

¹⁰. Ўзбек тилидаги “арабча, русча сўзларни биронтасини тилимизда - ноўрин дея кўрма: буларнинг орқасида босқичлар билан тил бириктирган мутассиб чала мулалар ва қонхўр империя турибди...” деган маънода.

¹¹. М.Юсуф Сайланма Она тилим “Шарқ” Тошкент 2018 й. 351-352-б



кетган, аҳолисининг турмуш тарзи ҳам юксак эканлиги ривожланган давлатлар мисолида яққол кўриниб турибди. Шоир айтганидек: *Кимдир майда миллат бўлди, Кимдир катта.*¹² Қўш қанотли тил соҳиблари – катта; бир қанотли тил эгалари – майда миллат бўлди.

Академик Азиз Қаюмов таъкидлаганидек – Ҳазрат Навоийнинг ижоди соҳибқирон Амир Темур асос солган улкан салтанати маънавий қудратининг амалий ифодаси бўлиб майдонга чиқди.¹³ Уни абадийликка муҳирлади.¹⁴ Соддароқ қилиб айтганда, Амир Темур асос солган давлатчилик сиёсати тилимизни адабий, бадиий тил сифатида дунёга танитди. Яъни – *шеърият мулкида бўлдинг шоҳу султон ўзбегим*¹⁵. Ўзгалар томонидан “кўпол тил” дейилган туркий тилнинг жуда гўзал ва нафис эканлиги Ҳазрат Навоийнинг ижоди орқали исботланди. Шўро даврида уй-рўзғор тилига айланган тилимизни эндиликда гўзал академ тил сифатида дунёга танитиш ҳозирги олимларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Мозийга яна бир бор назар ташлаб келажак ҳақида хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз – биринчи ва иккинчи уйғониш даврида аждоқларимиз ўз тадқиқотларига алоқадор илмий манбалар мажуд бўлган бир неча тилларни мукамал ўзлаштирган ҳолда буюк кашфиётларни амалга оширгани аниқ. Ўтган асрдаги олимларимизнинг аксарияти ўз тилидан ташқари араб, форс, рус, инглиз, намис, француз ва бошқа тиллардаги илмий манбаларни аслиятдан фойдалана олганлари маълум. Ҳозирги илм аҳли ҳам тил билиш бобида аждоқлар анъанасини давом эттирган ҳолда, ўз тадқиқотларини замон талаб қилаётган тиллар билан бир қаторда Давлат тилида ҳам параллел ёритиб, тил масаласида бирёқламалikka оғиб кетмасликларини англаган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Ана шунда: биринчидан, қадимдан давом этиб келаётган миллий илмий тил масаласидаги оқсоқликка барҳам берилади. Иккинчидан, учинчи реносансда ўзга тиллар билан бир қаторда миллий тилимизнинг бевосита иштироки таъминланади. Учунчидан, миллий илмий тил масаласида авлодларга кенг йўл очилади. Тўртинчидан, миллатнинг асосий белгиларидан бири бўлган она тилимиз қўш қанот билан сарҳад билмай юксакларга парвоз қилиши таъминланади. Шундагина учинчи уйғониш даври дунё тамаддунини янги поғонага кўтара оладиган илмий изланишлар ўзбек тилида амалга оширилади. Замонавий илм-фаннинг сўнги ютуқлари ҳаётга тадбиқ қилинади. Ватанимиз қисқа муддатларда ривожланган давлатлардан-да ўтиб, халқнинг турмуш даражаси жуда тез суратларда юксалади. Акс ҳолда, асрлар ўтиб ҳозирги “катта миллат”лар “кичик миллат”га, қайсидир “кичик миллат”лар “катта миллат”га айланиб, илм йўлидаги зурриётларимиз биратўла ҳам қадимги, ҳам ҳозирги аждоқларининг илмий меросидан воситачи шахс ёки воситачи тиллар орқали хабар топадиган, асл моҳиятдан бебаҳра мутахассис бўлишлари, *олтин ҳалқа*¹⁶ узилиб қолиши эҳтимоли юқори.

¹².М.Юсуф Сайланма Она тилим “Шарқ” Тошкент 2018 й. 351-352-б.

¹³.Алишер Навоий 10 жилдди 1-жилд Тошкент 2012 й. 7-б.

¹⁴.Амир Темир асос солган мустақкам давлатчилик сиёсати ва илмга бўлган жиддий эътиборнинг тизимли равишда узлуқиз давом этиш натижасида Алишер Навоий ижод қилган муҳит шаклланганлиги эътироф этилмоқда.

¹⁵.Эркин Воҳидов Ўзбегим қасидаси

¹⁶.Сўнги мадраса кўрган мутафаккирлар ҳамда уларнинг издошлари, ҳозирда ёши 70 дан ошган олимлар ўз йўналиши бўйича қўлёзма манбалар билан тиллаша оладилар, айниқундаги тадқиқотчилар эса қадимги дурдона манбалардан анчагина узоқлашиб қолган.

